*Маданият хабарлари*

*Ёруғ хиёбон*

## ЖАҲОНГА ТАНИЛГАН АДИБ

Чингиз Айтматов — қирғиз элининг беназир ёзувчиси. Ўрта Осиёдан чиққан катта прозанинг бетакрор намояндасидир. Унинг асарлари шўро тузумининг чиркин даврида ҳаётимизга мусаффо ва ҳузурбахш ифорларни олиб кирди. Жаҳон тан олган адиб Луи Арагон «Жамила»га жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси деб баҳо берди ва асарни биринчи бўлиб инглиз тилига таржима қилди. Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари!», «Оқ кема»,«Эрта келган турналар» номли қиссалари ўша даврнинг ҳақиқий қиёфасини очиб ташлади.

Республика Байналмилал марказининг муҳташам залида истеъдодли қирғиз адиби ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг 70 йиллик юбилейи ва «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланишига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очди.

Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров Чингиз оғанинг инсонийлиги, энг оғир дамларда ўзбек халқининг жонкуяри сифатида майдонга чиққанини алоҳида таъкидлади.

Ёш шоира Гулжамол Асқарова эса улуғ ёзувчининг асарлари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борганини айтиб, ўзининг «Ният» номли шеърини ўқиди. Хуллас, ушбу унутилмас кунда Чингиз Айтматовнинг асарлари ҳақида, унинг одамийлиги ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов Чингиз оғанинг барчамиз учун ибрат бўладиган хислатларидан гапирди. Ўзбек ва қирғиз тилларида қўшиқлар янгради. Ушбу адабий кеча адабиёт байрами, ўзбек ва қирғиз халқининг дўстлик байрамига айланиб кетди. Анжуманни республика Байналмилал маркази, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда ташкил этди.

**А. ЖЎРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Эҳтиром*

## ҚЎЛЁЗМАЛАР ЎТМИШДАН СЎЙЛАЙДИ

Фарғоналик Муҳаммаджон Мадғозиевни нафақат маърифатимиз, маънавиятимизнинг жонкуярларидан бири, балки қадимий қўлёзмалар, халқ оғзаки ижодининг билимдонларидан деб ҳисоблайдилар. У киши водийда биринчилардан бўлиб «Қўлёзмалар лабораториясини» ташкил этган бўлиб, ушбу зиё маскани ҳозирги кунда тарих, ўтмиш ва авлодларнинг тақдири билан қизиқувчилар учун севимли масканга айланган.

Айни кунларда тиниб-тинчимас зиёкор республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Фарғона шаҳар бўлимига етакчилик қилаяпти. Тарғибот марказида ҳам севимли машғулотини канда қилгани йўқ. Яқинда марказ ҳузурида ташкил этилган кўргазма буюк маърифатпарвар шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий, юртимизнинг жасур ўғлони Жалолиддин Мангуберди таваллудлари ҳамда улуғ халқ эпоси «Алпомиш» достони тантаналарига эҳтиром билан бағишланган.

Кўргазмага ташриф буюрганлар қадимий қўлёзма китобларнинг ноёб нусхалари, нодир тошбосма асарлар намуналари, дид билан ишланган экспонатларни ҳайрат ва ҳаяжон билан кузатишяпти. Кўргазма буюк авлодларимиз руҳини шод этиш билан бирга ёшлар орасида миллий қадриятларимизга муҳаббат ва ғурур ҳиссини уйғотиши, шубҳасиз.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Кўргазма залларида*

## ТАБИАТ БАҒРИГА САЙР

Ўзбекистон Бадиий Академияси Республика рассомлик коллежида «Рассом ва табиат» номли кўргазмани ташкил этди.

Ўзбекистонлик мўйқалам соҳиблари юртимизнинг гўзал табиатини ўзига хос равишда тасвирга туширганлар.

Истеъдодли рассомлар Раҳим Аҳмедовнинг «Гуллар», Неъмат Қўзибоевнинг «Тян-шань тоғи этакларида» «Оқтош» асарлари қаршисида тўхтаб ўтмай иложингиз йўқ.

Рангтасвир устаси Муҳаммадёр Тошмуродовнинг «Сирдарё», «Оқ булоқ» «Ғилон қишлоғида» номли асарлари ҳам ташриф буюрганларнинг эътиборига тушди. Муаллифнинг асарлари дунёнинг 17 та мамлакатида сақланар экан. Демакки, бир ижодкорнинг асарлари 17 та давлат халқларига Ўзбекистонимиз ҳақида сўйлаб, бу жаннатмисол ўлка билан таништирмоқда.

Светлана Шиннинг «Сўқоқда ёз пайти», М. Умаровнинг «Тошкент», З. Исомиддиновнинг «Май тонгги», «Бургут тоғи», И. Шиннинг «Кузги гуллар», «Булутли кун» асарларида табиатнинг гўзал лаҳзалари қаламга олинган.

Кўргазманинг яна бир жиҳати, ундан турли миллатга мансуб қаламкашларнинг асарлари ўрин олганлигида.

**Ўз мухбиримиз.**




SAMSUNG

«Ўз-Самсунг Электроникс» ҚК

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини Янги 1999 йил билан муборакбод этади. Янги йил ҳар бир хонадонга Тинчлик ва Бахт, Муҳаббат ва фаровонлик олиб кирсин!

UZ-Samsung Electronics

ЦЦ®1296

*Янги нашр*

## ЧЕКМАЙДИГАНЛАР ҲАМ ЎҚИСА БЎЛАДИ

Янги рангли нашр — «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон янгиликлари» номли расмлар билан безатилган ахборотнома олам юзини кўрди. Ушбу бюллетен ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган. Унда Бритиш Американ Тобаконинг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича Бош директори Питер Тейлорнинг компанияни Ўзбекистон бозорида тўрт йил мобайнида олиб борган ишлари тўғрисидаги мақоласи, янгидан жиҳозланган Ургут ферментация заводи ва энг замонавий Самарқанд тамаки фабрикаси тўғрисида, солиқлар тўлашдан бош тортишга қарши кураш дастури ва сигаретларнинг биринчи экспорти ҳақида, компаниянинг ижтимоий лойиҳалари, шу жумладан, «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» дастури тўғрисида маълумотлар берилган.

Мазкур бюллетеннинг чиқиши — вақт тақозосидир. Завод ва фабрикаларнинг ўзларидаги босмахоналарда босилган кўп нусхали газеталарнинг мазмуни ва сифати кўпчиликнинг хотирасида, албатта. Бу бюллетеннинг шакли ва мазмуни бутунлай ўзгача.

Ҳа, айтмоқчи, «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» — тадбири ҳақида эшитгансиз. Бу — Бритиш Американ Тобаконинг ҳукуматимиз билан биргаликда ишлаб чиққан, балоғатга етмаганлар чекишининг олдини олишга қаратилган илмий-тарбиявий дастур. Ўзбекистонда аҳолининг ярми балоғатга етмаган болалардир. Агар биз уларни чекиш балосидан сақлаб қолсак эдик...

Халқ таълими вазирлиги, «Камолот», «Оила» ва «Маҳалла» жамғармалари бу лойиҳани қўллаб-қувватлади. Дастурнинг биринчи босқичи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги учта мактабда бошланди. Унинг натижаларини таҳлил қилиш дастурни мукаммаллаштиришга ва уни республика вилоятларида амалга оширишга имкон беради. Яна бир мулоҳаза. Энг катта куч, энг зўр профессорлар — фарзандларнинг ота-оналари. Улар фарзандларига эътиборлироқ ва талабчанроқ бўлиб ёшларни чекиш, ичиш, видео балосидан асраб, ўғил-қизларни комил инсон қилиб тарбиялашга эришсалар эди, айни муддао бўларди.

**Абдураҳмон ЖЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

"ЯНГИЙЎЛМАТЛУБОТСАВДО"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИГА
қарашли
Одил Бекхўжаев номидаги нон корхонаси
жамоаси Ўзбекистон халқини
ЯНГИ 1999 ЙИЛ
билан чин дилдан самимий қутлайди.
Дастурхонингиз файзи бизнинг қувончимиз.
Мурожаат учун манзил:
Янгийўл тумани, Халқобод қўрғони.
ТЕЛЕФОН:
8 (258) 74-499
®/1301

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк раиси Ф. М. Муллажоновга укаси
**Ҳасан МУЛЛАЖОНОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазир Абдулазиз Ҳафизович Комиловга отаси
**ҲАФИЗ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Узпроммашимпэкс» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раиси муовини Бахтиёр Комиловга отаси
**Ҳафиз КОМИЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Ўзсувназорат» сув инспекцияси раҳбарияти Қорақалпоғистон Республикаси сув назорати бўлимининг бошлиғи Мамбетмурод Камоловга волидаи муҳтарамаси
**КАСБИКЕ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Н. МУСОМОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6